



## **Ўқувчилар креатив фикрлашларини ўстиришда миллий таълим-тарбия тарихидаги акмеологик қарашларнинг ўрни**

**Хурсанов Рамазон**  
**Қариш давлат университети талабаси**

**Аннотация:** ушбу мақолада акмеология тушунчасининг мазмуни ва моҳияти, шахс ҳаётида акмеологик қарашларнинг тутган ўрни ҳақидаги фикр - мулоҳазалар жамланган. Шунингдек, мақолада миллий таълим-тарбия тарихидаги акмеологик қарашлардан ўқувчилар креатив фикрлашларини ўстиришда фойдаланиш йўллари баён қилинган. Ўзбек халқ оғзаки ижоди ҳамда шарқ мутафаккирларининг ижодида ифодаланган акмеологик қарашлардан бугунги кун талабларига мослаб фойдаланиш ўқувчилар креатив фикрлашларини ўстиришда аҳамиятли эканлиги баён қилинган.

**Калит сўзлар:** акмеология, шахс, акмешахс, акмеология, креативлик, креатив фикрлаш.

Ватанимизнинг улкан умиди бўлган ёш авлодни келажакда билимдон, мустақил фикрловчи, ўз Ватани ва халқини, оиласини севувчи инсонлар қилиб тарбиялаш бизнинг асл мақсадларимиздан бири ҳисобланади.

Жамият тараққиётининг барча давларида ҳам шахсни ҳар томонлама тарбиялаш долзарб муаммо бўлиб келган. Ўзбек халқи ёшларни ҳар томонлама баркамол шахс қилиб тарбиялашда бой тарихий тажрибага эга

Креативлик (лот., инг. “сreate” – яратиш, “сreative” – яратувчи, ижодкор) – индивиднинг янги ғояларни ишлаб чиқаришга тайёрликни тавсифловчи ва мустақил омил сифатида иқтидорлиликнинг таркибига кирувчи ижодий қобилияти.

Креатив фикрлаш ҳар бир ижтимоий соҳада яққол акс этиши мумкин. Ўқитувчининг ижодкорлиги эса у томонидан ташкил этиладиган касбий фаолиятни ташкил этишга ижодий (креатив) ёндашувида акс этади. Сўнгги йилларда ушбу ҳолат “педагогик креативлик” тушунчаси билан ифодаланмоқда.

“Фикр тарбияси, - дея таъкидлаган эди улкан маърифатпарвар Абдулла Авлоний, - кўп замонлардан бери тадқиқ қилиниб келган, муаллимларнинг диққатларига суялган, виждонларига юкланган муқаддас бир шарофатлик, ғайратлик бўлишига сабаб бўладир”.

Акмеология [юнончадан акме – ниманидир олий даражаси + логия, чўкки ҳақидаги фан] – алоҳида одамни ва одамлар бирлигини ривожланиш чўққисини ва унга эришиш шароитларини ўрганадиган фанлар тўплами.

“Акмешахс”ни шакллантириш Акмеология фанининг тадқиқот объекти ҳисобланади.

Акмеология фани нисбатан янги фан бўлганлиги сабабли унинг тадқиқот объекти бўлган акмешахсни шакллантириш бугунги куннинг долзарб муаммосига айланди.



Миллий таълим-тарбия тарихидаги акмеологик қарашлардан ўқувчилар креатив фикрлашларини ўстиришда фойдаланиш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан биридир.

Замонавий таълим таълим олувчилар олдига қуйидаги вазифаларни қўяди:

- тезкор ўзгаришларга қўниқиш, ҳаётий фаолият, шунингдек, мавжуд муаммоларни ҳал қилишда ўзлаштирган билимларини моҳирлик билан қўллаш олиш;
- мустақил ва танқидий фикрлаш қобилиятига эга бўлиш, реал борлиқ ва юзага келувчи муаммолар моҳиятини англай олиш, замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда уларни бартараф этиш йўллариини излаб топиш;
- эгаллаган билимларни амалиётда қўллашнинг самарали усулларини топиш, янги ғояларни илғаб олиш ва ижодий фикрлаш;
- ахборот технологияларидан ўз вақтида самарали фойдалана олиш ва уларни қўллаш билиш.

Демак, ўқувчилар креатив фикрлашларини ўстиришда унинг мустақил фикрлай олиш қобилиятига эга бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Шу боис таълим тизимида ўқувчиларни фикрлашга, ўзлаштирилган билимларни мушоҳада қилишга ўргатиш зарурдир. [6].

Шарқ мутафаккирларнинг асарларида ёш авлодда юксак маънавий-ахлоқий сифатларни шакллантириш, уларни баркамол шахс бўлиб вояга етказишга оид педагогик ғоялар, акмешахс тарбиясининг мазмуни, шакл ва методлари ўз аксини топган бўлиб, улар бугунги кунда ҳам муҳим педагогик қийматга эга. Ушбу асарларда инсон тафаккурини ривожлантириш, ақлий-ахлоқий етуклик ва жисмоний баркамоллик, эстетик маданиятни шакллантириш масалалари ҳам илмий, ҳам амалий жиҳатдан ўз ечимига эга бўлган.

Халқ оғзаки ижоди намуналари бўлган дoston, эртақ, мақол ва халқ қўшиқларида, шунингдек, Юсуф хос Ҳожиб, Кайковус, Аҳмад Югнакий, Муслиҳиддин Саъдий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Ҳусайн Воиз Кошифий ва бошқа мутафаккирларнинг акмеологик қарашлари бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Асрлар давомида ёш авлод тарбиясини муваффақиятли ташкил этишда қўлланиб келинаётган пандномалардан бири Унсурул-Маолий Кайковуснинг “Қобуснома” [1] асаридир. “Қобуснома” бошидан охиригача панд-насихатдан иборат асар. Айниқса, саккизинчи боб “Ануширавон пандларини ёд олмоқ зикрида” боби бунга яққон мисолдир. Панд-насихат қиёсий таққослаш таҳлили орқали олиб борилади.

Кайковус “Қобуснома” асарида баркамол инсон (шахс) тарбияси ҳақидаги қарашларни баён этар экан, айниқса, жисмоний тарбияни ташкил этиш масаласига катта эътибор беради. Буни асарнинг “Шикорга чиқмоқ зикрида”, “Чавгон ўйнамоқ зикрида”, “Сипоҳсоларлик шартлари ва одатлари зикрида” каби бобларида қўриш мумкин. Уларда мутафаккир баркамол инсон (шахс) аввало соғлом бўлиши зарурлигини, шунингдек, билимларни ўзлаштиришда мушоҳада юритиш, фикрни далиллар асосида ифодалаш лозимлигини алоҳида уқтиради.

Шарқнинг буюк сиймоларидан Муслиҳиддин Саъдий таълим ва тарбия тўғрисида фикр юритар экан, у болалардаги туғма қобилиятни эътироф этиб ёзади:





Қобилият бўлса аслида  
Тарбият унга қилади асар.  
Қанча уринма, бўлмас сайқали,  
Темир аслида бўлмаса жавҳар [2, 184].

Улуғ мутафаккир Алишер Навоий ёшлигидан бошлаб илм олишга меҳр қўйганлиги сабабли замонасининг улуғ шоири, давлат арбоби бўлиб етишади. Аллома мавжуд фанларнинг барчасини ўрганиш инсон учун ғоятда фойдали эканлигини уқтиради ва бу борада амалий ҳаракатларни ташкил этади. Чунончи, ўзи ташкил этган “Ихлосия” мадрасаси ёнида мактаб очади, уни ўз вақфидан маблағ билан таъминлайди. Таълим олувчилардан илм ўрганишда қаттиқ интизом талаб этилган. Шунингдек, қобилиятли шахсни тарбияламаслик, унинг қобилиятини ривожлантирмаслик зулм билан тенглаштирилади: “Қобилиятлини тарбия қилмаслик зулмдир, қобилиятсизга тарбия ҳайф. Уни тарбия қилмаслик билан нобуд қилма, бунга тарбиянгни нобуд қилма” [3,111].

Машҳур мутафаккирлар инсон ақлий қобилиятини, илмий қувватини, истеъдодини такомиллаштириш учун ўзида зукколик, фаҳм тезлиги, зеҳн ўткирлиги, билимларни тез эгаллаш, қўйилган муаммони тез англаш, илгари ҳис этган ва тасаввур қилган барча нарсаларни эсда сақлаш, хотира кабиларни ривожлантириши лозимлигига алоҳида урғу бериб ўтганлар.

Маълумки XIX асрнинг II ярми XX асрнинг бошларида илғор зиёлилар (жадидлар) Бухорода мадрасаларда диний дарслар билан бир қаторда дунёвий дарсларни ҳам ўқитишни шарт қилиб қўйдилар.

Жадидизм вакиллари жамиятни тўнтариш йўли билан эмас, балки ислоҳ қилиш орқали ривожлантиришни ўзларига мақсад қилиб олган эдилар. Жадидчилик ҳаракати ғояларини Туркистон мактабларига татбиқ этишда Исроҳон Ибрат, Абдуқодир Абдурашидхон ўғли, Маҳмудхўжа Бехбудий, Сиддикий-Ажзий, Муҳаммадшариф Сўфизода, Абдурауф Фитрат, Машрик Юнусов (Элбек) каби маърифатпарварларнинг хизматлари беқиёс бўлган. Улар мактабларда таълим-тарбияни ислоҳ қилишга қаратилган янги ўқув қўлланмалари, дарсликлар яратдилар. Мазкур манбаларда ўқитишнинг янгича шакл ва методларини баён этдилар [4].

Баркамол шахсга хос бўлган фазилатларидан бири – бу она тилини мукамал билиш, унинг тозалиги, бойлиги тўғрисида қайғуришдир. Жадидизм ҳаракатининг вакилларидан бири Элбек ўзбек тилининг ривожини таъминлашга оид кўплаб қўлланма ва дарсликларни яратди, илмий-методик мақолалар чоп эттирди.

Абдурауф Фитрат оила тарбиясини самарали ташкил этишда қуйидаги шартларга амал қилиш зарур деб ҳисоблайди:

- 1) фарзандларнинг бадан ва фикрий тарбиясида сусткашлик қилмаслик;
- 2) ота-она фарзандларига ўз нуқсонларини билдирмасликлари;
- 3) болаларга ибратли кишилар ҳақида ҳикоялар сўзлаб бериш;
- 4) болаларнинг ўз ирода ва ақлига қараб ҳаракат қилишга эркинлик бериш [5, 112].

Демак, миллий таълим-тарбия тарихидаги акмеологик қарашлардан шахс томонидан ўзлаштирилиши зарур бўлган қуйидаги сифатлар: ақлий камолот (билим,



заковат ва укувга эга бўлиш); ахлоқий камолот; жисмоний етуклик; гўзалликни ҳис этиш кўзда тутилган.

Хулоса қилиб айтганда, миллий таълим-тарбия тарихида акмеологик қарашлар унинг мазмуни, шакл ва методлари тўғрисида тўхталиб ўтилган. Ушбу қарашлардан ўқувчилар креатив фикрлашларини ўстиришда фойдаланиш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан биридир.

Айниқса, асрлар давомида шаклланган баркамол шахс тарбияси анъаналари бугунги кунга қадар ўз аҳамиятини йўқотмаган. Улардан таълим жараёнида энг замонавий метод ва усуллар билан уйғун ҳолда мақсадга мувофиқ фойдаланиш таълим-тарбия самарадорлигини оширишда янада муҳим аҳамият касб этади.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Кайковус, Қобуснома /Нашрга тайёрловчи: С.Долимов. Т.: Ўқитувчи, 1986. – 168 б.
2. Саъдий. Гулистон. – Т.: Бадиий адабиёт нашр. 1968. – 184 б.
3. Навоий, Алишер. Махбуб-ул қулуб (Қалблар севгилиси). – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983. – 111 б.
4. Элбек. Танланган асарлар. – Т.: Шарқ НМАК, 1999. – 287 б.
5. Фитрат, Абдурауф. Оила ёки оила бошқариш тартиблари /Масъул муҳаррир: Д.А.Алимова. тарж.: Ш.Воҳидов. – Т.: Маънавият, 1998. – 112 б.
6. Berdiyeva Gulobod Shonazarovna, Nargiz Irkinovna Djumayeva. "Гуманизация процесса профессионально-педагогической подготовки будущих учителей". *Образование и воспитание* 3 (2015): 1-2.
7. Бердиева, Г. Ш. (2022). ФАОЛИЯТЛИ ЁНДАШУВ–ЎҚУВЧИЛАРДА ҚАДРИЯТЛИ МУЛОҚОТ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ОМИЛИ СИФАТИДА: Бердиева Гулобод Шоназаровна, Қарши давлат университети педагогика кафедраси ўқитувчиси. *Образование и инновационные исследования международный научно-методический журнал*, (2), 86-91.